

O'ktam PALVANOV

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
 UZBEKISTAN, Independent researcher of the scientific
 degree of PhD, a teacher
 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
 o.palvanov@iiiau.uz

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ – ИККИНЧИ ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҚОМУСИЙ ОЛИМИ

САЪДУДДИН ТАФТАЗАНИ – ЭНЦИКЛОПЕДИСТ ВТОРОГО ВОСТОЧНОГО РЕНЕССАНСА

SA'DUDDIN TAFTAZANI – ENCYCLOPAEDIST OF THE SECOND EAST RENAISSANCE

Калит сўзлар: *мазҳаб, ҳанафийлик, мотуридийлик, шофийлик, ашъарийлик, таълимот, фикҳ, калом, ақида, мантик, мактаб, қозиулқузот, шайхулислом, сарф ва наҳв.*

Ключевые слова: *мазҳаб, ханафия, матуридия, шафия, ашъария, учение, фикх, калам, ақида, логика, школа, кази аль-қузат, шейхулислам, сарф и наҳв.*

Keywords: *madhhab, hanafiyyah, maturidiyah, shafi'i, ash'ari, teaching, fiqh, kalam, aqeedah, logic, school, qazi-ul-quzat, sheikhulislam, nakhv (morphology) and sarf(syntax).*

XIV аср Шарқ, хусусан, Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақалари учун ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой бўлди. Бу ўлкаларда мўғуллар ҳукмронлиги барҳам топиб, соҳибқирон Амир Темур (1336–1405) бошчилигида салтанат мустақамлашиб, кучли марказлашган давлатга айланди.

Амир Темур Марказий Осиё ва унга қўшни юртларни бирлаштириб, салтанат пойтахти – Самарқандга забт этилган барча ҳудудлардан машҳур олимлар ва халқ хўжалигининг турли соҳаларига оид мутахассисларни жалб этган ва уларга фаолиятлари учун қулай шароитлар яратиб, алоҳида эътибор қаратган. Чунки у ўз замонасининг билимдон ҳукмдорларидан бўлиб, мамлакатни ривожлантиришда илм-фаннинг аҳамияти беқиёс эканлигини яхши тушунган ва олимларга эҳтиром билан қараган (Fayziyev T., 1995:14). Жумладан, машҳур муаррих олимлардан бири Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида бу тўғрида қуйидагича баён қилган: «Юқори даражадаги фозиллар ва улардан қуйироқ кишиларни бир-биридан фарқ қилиб, ҳар бирини ўз мартабасига кўра барқарор тутди. Ҳар бир ки-

шини фазли ва донишмандлиги даражасига лойик мақомга қўяди. Машойихлар ва солиҳ бандаларни улуғлайди, улар билан ҳамсухбат ва ҳаммажлис бўлишга рағбат кўрсатади» (Nizomiddin Shomiy., 1996:20). Натижада, турли илм соҳалари бўйича дунёвий ҳамда диний илмларни пухта эгаллаган мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан эса, таълим ва илм-фан тараққий этиб, Шарқда «Иккинчи Ренессанс» юзага келган. Дарҳақиқат, бу жараёнларда қомусий олимлардан бири, фаолияти асосан Мовароуннаҳр шаҳарлари, хусусан, Самарқандда, соҳибқирон Амир Темур саройида ўтган аллома Саъдуддин Тафтазоний алоҳида мавқега эга. Алломанинг тўлиқ исми Масъуд ибн ал-Қози Фаҳруддин Умар ибн ал-Мавло ал-Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Тафтазоний ал-Хуросоний ал-Ҳанафий бўлиб (Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda., 1975, 1:190; Jamoluddin Abu al-Mahosin Yusuf ibn Tug'ro Burda. Al-Manhal as-sofiy., 2005, 11:242; Jamoluddin Abu al-Mahosin Yusuf ibn Tug'ro Burda, 1955, 2:734; Taqiyyuddin Ahmad ibn Ali al-Maqriziy., 2002, 3:471), у Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) шаҳридаги Тафтазон қишлоғида туғилган. Машҳур муаррих олим Ёқут Ҳамавийнинг (574–626/1179–1229) таъкидлашича, Насо Хуросон вилоятида жойлашган шаҳар бўлиб, унинг ҳавоси тоза ва иқлими мўътадил бўлган (Shihobiddin Abu Abdulloh Yoqut ibn Abdulloh Hamaviy., 1990, 5:281-282). Тафтазон эса, Насодаги тоғ ортида жойлашган катта қишлоқ номидир (Shihobiddin Abu Abdulloh Yoqut ibn Abdulloh Hamaviy., 1990, 2:35).

Саъдуддин Тафтазоний наҳв, сарф, маоний, баён, усул ал-фикҳ ҳамда фуруъ ал-фикҳ (ҳанафий ва шофий), мантик, ақида, тафсир ва бошқа илм соҳалари бўйича йирик олим бўлган (Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda., 1975, 1:190). Алломанинг кунyasi «Абу Саъид» бўлиб (Muhammad ibn Ali ash-Shavkoniy., 1997, 2:304), у нафақат ислом оламида «аш-Шайх Саъдуддин» (Shihobuddin Ahmad ibn Ali ibn Muhammad al-Asqaloni., 1969, 1:389-390), «ал-Устаз» (Устоз) (Muhammad Adulhay Hindi Laknaviy., 1998:223), «ал-Имом ал-кабир» (Катта имом), «Устаз ал-уламо ал-мутааххирин ва саййид ал-фузало ал-мутақаддимин, мавлоно саъд ал-милла ва ад-дин, муъдил мизон ал-маъқул ва ал-манқул, муфтих ағсон ал-фуруъ ва ал-усул» (Кейинги олимлар устози ва кейинги фозил олимлар саййиди, миллат ва дин бахтлиси, нақл ва ақл мезонининг тўғирловчиси, усул ва фуруъ шохлари очувчиси) (Muhammad ibn Ali ash-Shavkoniy., 1997,

Темурийлар сулоласининг асосчиси соҳибкирон Амир Темур (1336–1405) Марказий Осиё ва унга қўшни бўлган юртларни бирлаштириб, салтанат пойтахти – Самарқандга забт этилган барча ҳудудлардан машҳур олимлар ва халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига оид мутахассисларни жалб этган ва уларга фаолиятлари учун қулай шароитларни яратиб, алоҳида эътибор қаратган. Чунки у ўз замонасининг билимдон ҳукмдорларидан бўлиб, мамлакатни ривожлантиришда илм-фаннинг муҳим аҳамият касб этишини яхши тушуниб, олимларга алоҳида эҳтиром кўрсатган. Натижада, турли илм соҳалари бўйича дунёвий ҳамда диний илмларни пухта эгаллаган мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан эса, таълим ва илм-фан тараққий этиб, Шарқда «Иккинчи Ренессанс» юзага келган. Дарҳақиқат, бу жараёнларда қомусий олимлардан бири, фаолияти асосан Мовароуннаҳр шаҳарлари, хусусан, Самарқандда, соҳибкирон Амир Темур саройида ўтган аллома Саъдуддин Тафтазоний алоҳида мавқега эга. Алломанинг тўлиқ исми Масъуд ибн ал-Қози Фаҳруддин Умар ибн ал-Мавло ал-Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Тафтазоний ал-Хуросоний ал-Ҳанафий бўлиб, у Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабад) шаҳридаги Тафтазон қишлоғида туғилган. У нахв, сарф, маоний, баён, усул ал-фикҳ ҳамда фуруъ ал-фикҳ (ҳанафий ва шофий), мантиқ, ақида, тафсир, геометрия, астрономия ва бошқа шу каби илм соҳалари бўйича йирик олим бўлиб, бугунги кунгача эллиқдан ортиқ асарлари мавжудлиги аниқланган. Ушбу мақолада мазкур қомусий олим фаолияти ва илмий мероси ҳақида сўз юритилади.

Основатель династии Тимуридов Амир Темур (1336-1405) объединил Центральную Азию и соседние страны, привлёк известных ученых и специалистов в различных областях народного хозяйства и создал благоприятные условия для их деятельности со всех завоеванных земель в столице Самарканде. В конце концов, он был одним из самых известных правителей своего времени, прекрасно понимающего важность науки в развитии страны и он уважал ученых. В результате появились ученые, которые освоили светские и религиозные науки в различных областях знаний. Благодаря их усилиям образование и наука процветали и стали важным фактором возникновения Второго Ренессанса на Востоке. Действительно, одним из энциклопедистов в этом процессе является ученый Сауддуддин Тафтазони, чья работа в основном проводилась в городах Мовароуннахра и, в частности, в Самарканде, в знаменитом дворце Амира Темура. Его полное имя Масуд ибн аль-Кади Фахруддин Умар ибн аль-Мавлах аль-Азим Бурхонуддин Абдулла ибн аль-Имам аль-Раббани Шамс аль-Хаққ, ад-дин аль-Кари ас-Самарканд аль-Ханафи аль-Аджами, он родился в деревне Тафтазан в Насо (ныне Туркменистан, Ашхабад) в Хорасане. Он является великим ученым в области сарф и нахв, маъний, баян, усуль – аль фикх, усуль – аль фуруъи (ханафи и шафии), логики, ақида, тафсир, геометрии, астрономии и ныне сохранилось более пятидесяти его работ в различных областях. В этой статье описывается деятельность и научное наследие этого энциклопедиста.

The founder of the Timurid dynasty Amir Timur (1336-1405) united Central Asia and its neighbouring countries, attracted famous scholars and specialists in various fields of public sector and created favourable conditions for their activities from all over the conquered lands in the capital of Samarkand. After all, he was one of the most well-known rulers of his time, well aware of the importance of science in the development of the country and paid a great deal of respect to the scholars. As a result, there have been scholars who have mastered secular and religious sciences in various fields of knowledge. Through their efforts, education and science flourished and became an important factor in the emergence of the Second Renaissance in the East. Indeed, one of the encyclopaedists in this process is the scholar Sa'dduddin Taftazani, whose career was mainly held in the cities of Movarounnahr in particular in Samarkand in the famous Palace of Amir Timur. His full name is Mas'ud ibn al-Qadi Fahriddin Umar ibn al-Mawlah al-Azim Burkhonuddin Abdullah ibn al-Imam al-Rabbani Shams al-Haqq, ad-Din al-Qari as-Samarkand al-Hanafī al-Ajami was born in the village of Taftazan in Naso (nowadays Turkmenistan, Ashgabat) in Khorasan. He was a great scholar in the fields of morphology, syntax, ma'aniy, bayaan, usul al-fiqh, furu' al-fiqh (hanafi and shafi'i), logic, aqidah, tafseer, geometry, astronomy, and other fields and at present his more than fifty works in various fields are preserved. This article describes the activities and academic legacy of this encyclopaedist.

2-304), «ал-Имом ал-Аллома» (Алломаи имом) (Jamoluddin Abu al-Mahosin Yusuf ibn Tug'ro Burda., 2005, 11:242), «Саъд ал-милла ва ад-дин» (Миллат ва диннинг бахтлиси), «Саъд ал-имом ал-аллома ал-фақиҳ ал-адиб ал-ҳанафий» (Ҳанафий фақиҳ адиб олимлари имомининг бахтлиси) ва «Олим ал-машриқ» (Шарқнинг олими), «Ҳибр ал-умма, шамс ал-аимма» (Умнат олими, имомлар қуёши) (Sa'dduddin Taftazaniy., 1311:446), «ал-Аллома ас-саний» (Иккинчи аллома), «ал-Муҳаққиқ ас-сомадоний» (Mulla Nuruddin Abu-l-Hasan Ali ibn Sulton Muhammad al-Qoriy al-Haraviy al-Makkiy., 1998:49) каби номлар билан машҳур бўлган, балки ўзининг

геометрия, математика, фалсафа, мантиқ, адабиёт каби аниқ ва гуманитар фанларга оид кўплаб қомусий асарлари билан жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган олим сифатида эътироф этилади.

Алломанинг таваллуд топган йили тўғри-сида манбаларда икки хил маълумот келтирилган. Жумладан, уларнинг баъзиларида 722/1322 йил(Sharafuddin Roqimiy., 1998:22; Ismoil Bosh al-Bag'dodiy., 1951, 2:815; Muhammad ibn Ali ash-Shavkoniy., 1997, 2:304; Shamsuddin Muhammad ibn Abdurrahmon as-Saxoviy., 1995, 1:295) кўрсатилса, бошқаларида 712/1312 йил келтирилган(Хайруддин Zirikliy., 1998, 7:219; Shihobuddin Ahmad ibn Ali ibn

Muhammad al-Asqaloniyy., 1993, 4:350; Shihobuddin Ahmad ibn Ali ibn Muhammad al-Asqaloniyy., 1969, 1:389-390; Jaloluddin Abdurrahmon as-Suyutiyy., 1979, 2:13-14; Shihabuddin Abulfallah Abdulhay ibn Ahmad ibn Muhammad ad-Damashqiyy., 1986, 8:547; Jamoluddin Abu al-Mahosin Yusuf ibn Tug'ro Burda., 2005, 9:241). Шунингдек, олимнинг вафоти ҳақида ҳам манбаларда 787/1385 йил(7.Fasix Ahmad ibn Djalal ad-Din Muxammad al-Xavafi. Mudjmal-i Fasixi., 1980:108), 789/1387 йил(17.Muhammad Adulhay Hindiy Laknaviy., 1998:223), 791/1389 йил, 792/1390 йил, 793/1391 йил, 794/1392 йил ва 796–797/1394–1395 йил каби турли хил саналар кўрсатилган. Чунончи, машхур ҳанафий олимлардан Аҳмад ибн Мустофа Тошкўпризода (901–968/1495–1561) Саъдуддин Тафтазонийнинг таниқли шогирдларидан бири Фатҳуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шарвоний Румий Ҳанафий (ваф. 857/1453 й.)дан ривоят қилган. Жумладан, Фатҳуллоҳ Ҳанафий Самарқандада устозининг қабрини зиёрат қилганлиги ва унга олим, хусусан унинг вафоти ҳақидаги маълумотлар битилганлигига шохид бўлганлигини айтган. Алломанинг 1322-1390 йилларда яшаганлигига иккинчи асосли далил бу – унинг «Шарҳ ат-Тасриф ал-иззий» номли асарини ўн олти ёшида, яъни 738/1338 йили ёзиб тугатганидир. Бундан Саъдуддин Тафтазоний 722–792/1322–1390 йилларда яшаганлиги аён бўлади.

Саъдуддин Тафтазонийнинг оиласи ва ёшлиги ҳақида манбаларда маълумот жуда кам учрайди. Шунга қарамасдан, уларда унинг отаси Умар «ал-Қози Фаҳруддин», бобоси Абдуллоҳ «ал-Мавло ал-Азим Бурҳонуддин» ва бобосининг отаси ал-Қорий «ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин» деб эътироф этилиши Саъдуддин Тафтазонийнинг таниқли олимлар оиласида дунёга келганлигини англатади. Алломанинг баъзи манбаларда учта ва бошқасида бир ўғли бўлганлиги қайд этилган. Бироқ, бу ерда бироз чалкашлик бор. Чунончи, аллома 787/1385 йили Самарқандда ёзган «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом» номли асари муқаддимасида ўғлининг исмини зикр қилмасдан уни васф қилган. Шунингдек, у 778/1376–1377 йили мазкур ўғлига атаб Хоразмда «ал-Иршод» номли алоҳида китоб ёзган. Ушбу китобларда васф қилинган Саъдуддин Тафтазоний ўғлининг исми Мухаммад бўлиб, қолганлари набира ва чевараси ҳисобланади. Мухаммад ибн Масъуд Тафтазоний (ваф. 838/1434-1435 й.) ҳам ўз даврининг машхур олимлари бўлиб етишган ва Соҳибқирон Амир Темур мажлисларида қатнашган.

Мухаммад ибн Масъуд Тафтазонийнинг Яҳё ибн Мухаммад Тафтазоний (ваф. 887/1482 й.) исми ўғли бўлиб, «Қутбуддин» номи билан машхур бўлган ва шайхулислом лавозимида ишлаган. Бу

Саъдуддин Тафтазонийнинг набираси ҳисобланади.

Яҳё ибн Мухаммад Тафтазонийнинг Аҳмад ибн Яҳё (ваф. 912/1506 й.) исми ўғли бўлиб, у ҳанафий мазҳабининг катта олимларида бири сифатида Ҳиротда 30 йил қозилик қилган. У «Ҳафид ат-Тафтазоний» номи билан машхур бўлган ва бобосининг «ал-Мутоввал» номли асарига хошия ҳам ёзган.

Саъдуддин Тафтазоний ёшлигиданоқ илм олишга катта қизиқиш билан қараганлиги ва ғайритабиий зехн ҳамда қобилят соҳиби бўлганлиги тарихий манбаларда кўп бора таъкидланган. Шунингдек, олимнинг нутқида бироз дудуклик бўлганлиги ҳам қайд этилган(Ҳауруддин Зирклий., 1998, 7:219.).

Аллома Тафтазонийнинг илм олишга бўлган қизиқиши ва ғайритабиий зехни зарбулмасалга айланиб кетган ҳамда у бугунги кунгача ҳам мадраса ва устоз-шогирд таълим тизимида давом этиб келмоқда. Олим илм олиш мақсадида Тафтазон кишлоғини тарк этиб, Насо шаҳрига боради. Лекин манбаларда Насо шаҳрида қанча муддат таълим олганлиги ҳақида аниқ маълумот учрамаса-да, хаттотлик, имло қоидалари, Қуръони каримни ёд олиш қабиларни ўрганганлиги келтирилади. Шундан кейин, Саъдуддин Тафтазоний ўша пайтнинг илм ўчоғи бўлган Самарқандга келган. Аммо, аллома қачон у ерга келганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумот учрамаса-да, унинг илмий фаолияти ҳақида зикр қилинган. Жумладан, у ерда таълим олганлиги ва унинг ғайритабиий қобилятини машхур муаррих олимлардан Шихабуддин Абулфаллаҳ Абдулҳай ибн Аҳмад Дамашкий (1032–1089/1623–1678) ҳам таъкидлаб, қуйидаги воқеани келтирган: Дастлаб Тафтазоний илм ўрганишни бошлаганида жуда зехни паст бўлиб, Азудуддин Ийжий (ваф. 766/1365 й.)нинг дарс ҳалқасида ундан зехни паст талаба бўлмаган. Шунга қарамасдан, жуда тиришқоқ бўлган ва илм ўрганишда зехни пастлиги уни ҳеч умидсизликка туширмаган. Унинг зехни пастлиги сабабли, шаҳарда, Ийжий ўз дарс ҳалқасида уни ўрناق қилиб кўрсатарди. Бир куни Саъдуддин Тафтазоний туш кўрган. Тушида унинг ёнига бир ўзи ёлғиз пайтида нотаниш киши келиб, унга «Эй, Саъдуддин ўрнингдан тур! Сайр қиламиз», – дейди. Тафтазоний эса, «Мен сайр учун яратилмаганман. Ўқишдан бошқа нарсани билмайман. Агар мен сайрга борадиган бўлсам, қандай қилиб ўқий оламан?!», – деб жавоб берган. Шунда ўша киши жўнаб кетган ва бир пастдан кейин қайтиб келиб, Саъдуддин Тафтазонийга «Тур! Бирга сайр қиламиз», – деб айтган. Тафтазоний эса, юқоридаги жавобни бериб, у билан кетмаган. Ўша киши жўнаб кетади ва учинчи марта унинг олди-

га келиб, яна ўша гапини такрорлаган. Саъдуддин Тафтазоний эса, ўша кишига «Мен сендан кўра фаҳмсизроқ одамни кўрмаганман. Сенга «Мен сайр учун яратилмаганман» деб айтмадимми!», – дебди. Шунда ўша нотаниш киши Саъдуддин Тафтазонийга «Сени Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам чақиряптилар», деганида, у хаяжон билан ўрнидан туриб, оёқ кийимини киймасдан оёқ яланг ўша киши билан шаҳар ташқарисидagi бутазор бир жойга борган. Саъдуддин Тафтазоний ўша буталар ёнида Набий (с.а.в.)ни бир неча саҳобалар билан кўрган. Набий унга табассум билан қараб, «Сенга бир неча марта хабар жўнатдим. Сен эса, келмадинг», – деганлар. Шунда Тафтазоний «Эй, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам! Уни сиз юборганингизни билмабман. Сиз фаҳмим ва хотирам пастлигини биласиз, сиздан узр сўрайман. Сизга фаҳмим ва хотирам пастлигидан шикоят ҳам киламан», – дебди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам эса, унга «Оғзингни оч», – дедилар ва оғзига туфладилар ва унинг ҳақида дуои хайр қилдилар. Кейин Расулulloҳ уни ўз манзилига қайтиб боришни буюрдилар ва унинг зеҳни очилиши ҳақидаги хушхабар билан хурсанд қилдилар. Тафтазоний илм ва нурга бурканган ҳолда қайтиб келди. Эртаси куни у Ийжийнинг илм мажлисига бориб ўз ўрнига ўтирди. У ўтирган вақтида бир неча фикрларни келтирганда, буни ҳамроҳлари ундан эшитганлари учун ҳеч қандай маънога эга эмас деб ўйладилар. Аммо унинг гапларини эшитган Ийжий йиғлаб, Тафтазонийга «Эй, Саъдуддин! Амрингга мунтазирман. Албатта, бугун сен кечагидан бошқачасан», – дебди. Ийжий ўрнидан туриб, унга Тафтазонийни ўтирғизган ва ўшандан бошлаб уни ҳурмат қиладиган бўлган. Дарҳақиқат, бу воқеа алломанинг ўзига хос зеҳн ва илм соҳиби бўлганини яна бир бор тасдиқлайди. Кейинчалик эса, Тафтазоний устози Азудуддин Ийжийнинг шогирдлари орасида ўзининг салоҳияти билан ажралиб турган.

Саъдуддин Тафтазоний Самарқандда илоҳиёт фанларини, араб тили, нутқ санъати ва мантик илмини ўн олти ёшигача – 738/1338 йилгача ўз даврининг йирик олимлари Азудуддин Ийжий ва Қутбуддин Муҳаммад Розий (ваф. 766/1365 й.)дан ўрганган. Самарқандда айни ўша йили у дастлабки асарини – Азуддин Абдулвахҳоб ибн Иброҳим ибн Абдулвахҳоб Занжоний (ваф. 392/1001 й.)нинг араб тили грамматикасига оид «ат-Тасриф» китобига шарҳни ёзган эди. Бундан кўриниб турибдики, у 16 ёшидаёқ илм олишда илдамлаб олим даражасига етган. Шундан кейин, олимнинг турли ўлкаларга сафари бошланган. Жумладан, манбаларда Саъдуддин Тафтазоний 742/1341 йили Журжонияда (Гурганч, Хоразм), 752/1351 йили Мозоржомда, 756/1355 йили Ғиждувонда, 758/1357

йил Гулистонда, 759/1358 йили Ҳиротда, 768/1367, 770/1368–1369, 778/1376 йиллари Хоразмда, 782/1380, 785/1383 йили Сарахсда ва 784/1382, 889/1387 йиллари Самарқандда бўлганлиги алоҳида келтирилган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий фаолияти ва салоҳияти ислом оламида машҳур бўлган кўплаб олимлар томонидан юксак баҳоланган. Жумладан, Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) аллома ҳақида «Шарқда мантиқ ва маъқул (рационал) илмларини билиш ундан кейин ниҳоясига етибгина қолмасдан, балки бошқа шаҳарларда бу илмларда унга тенг келадиган одам бўлмади. Саъдуддин Тафтазонийдан кейин унинг даражасига етадиган олим бўлмаган», – деб таъкидлаган (Shihobuddin Ahmad ibn Ali ibn Muhammad al-Asqaloni., 1993, 4:350). Шунингдек, машҳур муаррих олимлардан Зайнуддин Абдулбосит ибн Халил ибн Шоҳин Зоҳирий Ҳанафий (844–920/1440–1514) ўзининг «Найл ал-амал фи Зайл ад-дувал» номли асарида Саъдуддин Тафтазонийни «ўз замонида дунё алломаси ва Бани Одамнинг устози эди», – деб таърифлаган (Zaynuddin Abdulbasit ibn Xalil ibn Shohin az-Zohiri al-Hanafi., 2002, 2:283). Аллома ҳақидаги мазкур таърифлар бежиз эмасди. Шу сабабли ҳам, Соҳибқирон Амир Темур аллома Саъдуддин Тафтазонийни пойтахт Самарқандга бир неча бор таклиф қилган бўлиб, уни қаттиқ ҳурмат қилган. Жумладан, алломанинг саройга таклиф этилиши тўғрисида Хондамир ўзининг «Ҳабиб ас-сияр» асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: Соҳибқирон Амир Темур Хоразмга 770–771/1369–1370 йилларда қилган юриши пайтида Хоразм ҳокими Муъиззуддин Ҳусайн (ваф. 773/1372 й.) Амир Темурдан Тафтазонийни Сарахсга юборишини сўрайди. Амир Темур унинг илтимосига биноан алломани у ерга юборади. Тафтазоний Самарқанддан кетгач, Амир Темурга атрофидагилар унинг қанчалар билимдон, олим эканлигини айтганда қилган ишидан афсусланган. Амир Темур Тафтазонийга Самарқандга қайтиб келиши ҳақида нома юборади. Тафтазоний Ҳижоз сафарига отланаётганлиги боис биринчи таклифни ўзи рад қилган. Лекин, Амир Темур иккинчи бор таклиф этганида Тафтазоний уни рад эта олмай, пойтахтга, яъни Самарқандга ташриф буюради.

Шунингдек, машҳур ҳанафий олимлардан Тақийуддин ибн Абдулқодир Тамимий Ғаззий (ваф. 1005/1596–1597 й.) ўзининг «ат-Табақот ас-сания» номли ҳанафий мазҳаби олимлари автобиографиясига бағишланган асарида аллома Саъдуддин Тафтазоний, хусусан унинг соҳибқирон Амир Темур билан ўртасидаги муносабат ҳақида бир неча ўринларда зикр қилган. Жумладан, олим улар тўғрисида қуйидаги тарихий воқеани ёзиб қолдирган:

Кунларнинг бирида соҳибқирон Амир Темур ўта муҳим топшириқ билан чопарини жўнатар экан, унга: «Йўлингда от керак бўлиб қолса, учратган одамнинг, ҳатто у ўғлим Шохруҳ бўлса ҳам, отини олиб йўлда давом эт», – деб тайинлаган. Чопар буюрилган манзил томон жўнаб кетган. У йўлида аллома Саъдуддин Тафтазонийни учратиб қолади. Олим чодирда дам олаётган эди. Отлари эса, чодири яқинида боғлаб қўйилганди. Чопар эса, ўша отлардан бирини олмоқчи бўлганида, Саъдуддин Тафтазоний чодирдан чиқиб, уни ушлаган ва отини ундан қайтариб олиб, ўзини роса калтаклаган. Чопар соҳибқирон Амир Темур ҳузурига қайтгач, унга сафар пайтида юз берган воқеани сўзлаб берганида, бу хабардан Соҳибқирон қаттиқ ғазабланиб: «Гарчи Саъдуддин Тафтазоний ўрнида ўз фарзандим (Шохруҳ) бўлганида ҳам бу иши учун албатта қатл этардим. Аммо, ҳали менинг қиличим етмаган ўлкаларга асарлари кириб, машҳур бўлиб кетган алломани қандай қилиб қатл қиламан», – деган. Бу эса, бир томондан соҳибқирон Амир Темурнинг олимларга нисбатан, хусусан аллома Саъдуддин Тафтазонийга ҳам чуқур ҳурмат ва эҳтиромда бўлганлигини англатса, бошқа жиҳатдан аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаётлик давридаёқ асарлари кенг тарқалиб, эътироф этилганлигини ва инсонларга манфаат келтирганлигини англатади.

Салоҳиддин Тошкандий «Темурнома» номли асарининг бир неча ўринларида соҳибқирон Амир Темур ва аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг ўзаро муносабатлари ҳақида сўз юритган. Жумладан, унда соҳибқирон Амир Темурнинг Москвага қилган юришида у билан бир неча олимлар қатори аллома Саъдуддин Тафтазоний ҳам ҳамроҳ бўлганлиги қуйидагича баён этилган: «Мавлоно алломай Тафтазоний бирла начанд уламолар ўнг тарафларида зулсаҳоб каби алам бошларида, каландарлар жиловларида талқин айтиб келурлар» (Mulla Salohiddin ibn Mullo Aloiddin xoji eshon Salohiddin Toshkandiy., 1991:244). Бу эса, соҳибқирон Амир Темур ўзи таъкидлаганидек, бирор муҳим қарор қабул қилишда доим олимлар машваратига мурожаат қилиб, хулоса чиқарганлигини билдиради. Шунингдек, ўша олимларнинг орасида алломанинг ўрни ўзгача эканлиги маълум бўлади.

Мазкур асарнинг бошқа жойида соҳибқирон Амир Темурнинг Мозандарон, Табаристон ва Озарбайжонга қилган зафарли юришларидан Самарқандга қайтиб келганида унинг ҳузурида юқори мартабали инсонлар, хусусан олимлар ҳам бўлганлиги қуйидагича баён этилган: «Яна аҳли фузалодин Гулом Журжоний, алломай Тафтазоний ва мулло Котибий ва ҳожим Баҳовуддин ва Ҳожи Ҳофиз Шерозий ва неча валилар зикр айтиб ва хатми Каломуллоға машғул эрдилар. Барча Амир Соҳибқи-

рон давлат ва нусратин тангри иззи жалдин тилар эрдилар». Бу воқеа тахминан 788/1386 йилга тўғри келиб, ўша пайтда аллома Самарқандда, саройда бўлган.

Маълумки, соҳибқирон Амир Темур буюк саркарда бўлиши баробарида бир неча илм соҳаларида етук олим бўлган ва илм аҳлини доим қўллаб-қувватлаган. Шу сабабли ҳам у илмий баҳсларни яхши кўрган ва пойтахт саройида доим ўтказилиб турган. Бундай илмий баҳсларда нафақат олимлар, балки ўзи ҳам фаол иштирок этган. Бу жараёнда аллома Саъдуддин Тафтазоний ва унинг дўсти Мир Саййид Шариф Журжоний асосий иштирокчилардан бўлган.

Саъдуддин Тафтазоний бутун умри давомида турли ижтимоий-сиёсий вазиятлар сабабли ва илм олиш мақсадида ҳам ўз даврининг илм ўчоқлари ҳисобланган шаҳарларда бўлиб, кўплаб таниқли олимлар қўлида таҳсил олган ва турли илмий анжуманларда бевосита иштирок этган. Лекин, аллома устозларини алоҳида таъкидлаб ўтмаган. Шунга қарамасдан, манбаларда у илм ўрганган бир нечта қуйидаги олимларнинг номлари зикр этилган. Жумладан, Абу-л-Фозил Азудуддин Абдурахмон ибн Рукнуддин Абдуғаффор ибн Аҳмад Широзий Ийжий (680–756/1281–1355) Ижу шаҳрида дунёга келган. У ҳанафий мазҳаби олими, таниқли фақиҳ, мутакаллим бўлиб, Шерозда мадрасада дарс берган ва қози лавозимида ишлаган. У Шамсуддин Муҳаммад ибн Юсуф ибн Али ибн Шуъайб Қирмоний (717–786/1317–1384), Зиё (Зиёуддин) ибн Саъд (Саъдуллох) Қазвиний Афибий (ваф. 780/1378 й.), Саъдуддин Тафтазоний каби ўнлаб машҳур олимларга устозлик қилган. У «Ахлок Азудуддин», «Одоб ал-уламо», «Ашроф ат-таворих», «ал-Мавоқиф фи илм ал-калом», «Жавоҳир ал-калом» ва «ал-Ақоид ал-Азудия» турли илм соҳаларига оид ўнлаб асарлар битган.

Дастлаб, Зиёуддин Қазвиний ва Саъдуддин Тафтазоний олим Азудуддин Ийжийдан таълим олганлар ва устозлари вафотидан кейин эса, Саъдуддин Тафтазоний ўз навбатида аллома Зиёуддин Қазвинийдан илм ўрганган. Унинг тўлиқ исми Зиё ибн Саъд ибн Муҳаммад ибн Усмон Қазвиний Афибий бўлиб, тафсир, фикх, араб тили, балоғат каби илм соҳаларини пухта эгаллаган таниқли олимлардан бири эди. У ҳанафий ва шофий мазҳабларини пухта ўрганиб, иккаласидан ҳам фатво берган. Олим Қоҳира шаҳрида вафот этган. Бу ҳақда Зиёуддин Қазвиний «Мен усул ал-фикҳда ҳанафийман ва фуруъ ал-фикҳда шофийман», деган.

Қутбуддин Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Муҳаммад Розий Тахтоний (694–766/1295–1365) ҳам Саъдуддин Тафтазонийнинг устозларидан бири бўлиб, у ҳам Азудуддин Ийжийнинг шогир-

ди бўлган. У Дамашкка кўчиб бориб, Зоҳирия мадрасасида дарс берган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Саъдуддин Тафтазоний Дамашкка борганда ундан илм ўрганган. У фикҳ, калом, мантиқ каби илмларни чуқур эгаллаган ва турли илм соҳаларига оид ўнлаб асарлар муаллифи. Жумладан, у Нажмуддин Абдулғаффор ибн Абдулкарим Қазвиний (ваф. 665/1267 й.)нинг фуруъ ал-фикҳга оид «ал-Ҳовий ас-сағир» ва Сирожуддин Абу Якуб Юсуф ибн Абу Бакр Саккокий (ваф. 626/1229 й.) қаламига мансуб «Мифтоҳ ал-улум» номли асарларига шарҳ, Имом Замахшарийнинг «ал-Кашшоф»ига ҳошия ёзган.

Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдулваҳҳоб ибн Довуд ибн Али ибн Муҳаммад Маҳдий Кусий (ваф. 803/1401 й.) фақиҳ, муҳаддис бўлган. Саъдуддин Тафтазоний «Арбаин ан-Нававий» ҳадис тўплами санадини ундан ривоят қилган ва унга алоҳида шарҳ битган.

Шунингдек, Саъдуддин Тафтазоний Мавлоно Баҳоуддин Самарқандий Ҳанафий, Носируддин Термизий, Алоуддин Сигнокий, Баҳоуддин Ҳалвоний каби олимлардан ҳам таълим олган.

Айни пайтда, аллома нақшбандия тариқатида бўлиб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди, тариқат муршиди Якуб Чархий Усмон ибн Муҳаммад (764–851/1363–1447) ҳузурига бориб, унга қўл берган.

Саъдуддин Тафтазоний ҳаётлик чоғидаёқ, чуқур билими ва калом, фикҳ, усул ал-фикҳ, сарф, наҳв ва мантиқ каби турли соҳалардаги китоблари билан кўплаб шаҳарларда шуҳрат қозонган. Аллома ислом оламида донғи кетган кўплаб шогирдларни ҳам етиштириб чиқарган. Улардан қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Ҳисомуддин ибн Али ибн Муҳаммад Аби-вардий (761–816/1360–1413).

2. Бурҳонуддин Ҳайдар ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Шерозий Ҳавофий, Садр Ҳаравий номи билан машҳур бўлган (780–854/1378–1450).

3. Аллома Алоуддин Абулҳасан Али ибн Муслихуддин Мусо ибн Иброҳим Румий Ҳанафий (ваф. 841/1437 й. – Қоҳира). У аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг энг яқин ва машҳур шогирдларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, у икки устози Саъдуддин Тафтазоний ва Саййид Шариф ўртасида бўлиб ўтган баҳсга гувоҳ бўлган.

4. Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ҳанафий (ваф. 841/1437 й.).

5. Ҳайдар ибн Аҳмад ибн Иброҳим Абулҳасан Румий Ҳанафий. У Қоҳирада яшаган ва хижрий 854/1450 йилда вафот этган.

6. Алоуддин Али Қўжҳисорий (ваф. 841/1437 й.).

7. Шамсуддин Муҳаммад ибн Фазлуллоҳ ибн Маждуддин Аҳмад Каримий (ваф. 861/1457 й.).

8. Жалолуддин Юсуф ибн Рукнуддин (ваф. 792/1390 й.).

9. Мирак Сайроний (ёки Сайрамий) (ваф. 823/1420 й.).

10. Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамза Фанорий Румий Ҳанафий (ваф. 834/1430 й.).

11. Фатхуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шарвоний Румий Ҳанафий (ваф. 857/1453 й.). У Саъдуддин Тафтазоний ва Саййид Шариф Журжонийлардан турли илм соҳалари бўйича илм ўрганган. У ҳам таниқли ҳанафий мазҳаби олимларидан бири бўлиб, ўнлаб асарлар муаллифидир. Жумладан, Ийжийнинг калом илмига оид «Илоҳиёт ал-мавоқиф» асарига ҳошия, Қозизода Румий (ваф. тах. 829/1426 й.)нинг астрономияга оид «Шарҳ ал-Мулаххис фи ал-хайъат» асарига таълиқ ҳамда устози Саъдуддин Тафтазонийнинг наҳв илмига оид «ал-Иршод» асарига шарҳ ёзган.

12. Муҳаммад ибн Атоуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абу Абдурозий (776–829/1374–1425). У «имом ал-аллома», «шамс ад-дин» номлари билан танилган ва қози ал-қузот бўлган.

Саъдуддин Тафтазоний тафсир, фикҳ, калом, наҳв, балоғат, мантиқ ва бошқа соҳаларда қирқдан ортиқ асар тасниф қилган ҳамда инсонлар унинг илмий меросидан манфаат топган олимлар сирасидан ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аллома ўзининг шоҳ асарларини Моваруннаҳр шаҳарларида битган ва ислом оламида энг ёш китоб ёзган олимлар сирасига қиради. Хусусан, аллома қаламига мансуб асарларни илм соҳаларига ва уларнинг ёзилган йилига қўра, қуйидагича таснифлаш мумкин:

Ақоид илмига оид:

1. Шарҳ ал-Ақоид ан-насафия. Бу асар 768/1367 йили Хоразмда ёзиб тугатилган.

2. Китоб ал-Мақосид. Унинг тўлиқ номи «Мақосид ат-толибин фи илм усул ад-дин» бўлиб, 786/1384 йили Самарқандда ёзиб тугатилган.

3. Шарҳ ал-Мақосид. Бу асар 786/1384 йили Самарқандда ёзиб тугатилган бўлиб, у «Китоб ал-Мақосид» асарининг шарҳи ҳисобланади.

4. Ғояту таҳзиби-л-калом фи таҳрири-л-мантиқ ва-л-калом. Асар 789/1387 йили Самарқандда ёзилган. Асар таркибий жиҳатдан икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми мантиқ ва иккинчи қисми калом илмига бағишланган. Унинг илк нашрларидан бири Мисрда 1330/1912 йилда амалга оширилган. Шунингдек, асарнинг кўплаб қўлёзма нусхалари дунё бўйлаб кенг тарқалган.

Усул ал-фикҳ илмига оид:

1. Талвиҳ фи кашф ҳақоик ат-танқиҳ («ат-Танқиҳ» маъноларини очиб бериш борасидаги

«Эслатма»). Ушбу асар Саъдуддин Тафтазоний томонидан Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-Шариа (ваф. 747/1346)нинг «ат-Тавзиҳ фи ҳалл ғавомиз ат-танқиҳ» номли асарига ёзилган машҳур шарҳ бўлиб, у ҳанафий мазҳаби усул ал-фикҳи бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бу асарнинг аҳамияти ҳақида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Усул ал-фикҳ илми билан шуғулланишни ирода этган ҳар бир шахс албатта мазкур асарга мурожаат қилади», деб таъкидлаган. Аллома бу асарини Гулистонда 758/1357 йили ёзиб тугатган. Асар Деҳли, Лакнав ва Байрут каби шаҳарларда 1267/1851, 1281/1864, 1419/1998 йилларда нашр қилинган.

2. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мухтасар ало китоб Мунтаҳо ас-савол вал-амал фи илмай ал-усул вал-жадал. Ушбу асар олим Азудуддин Ийжий томонидан Жамолуддин Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Моликий (ваф. 646/1248 й.)нинг «ал-Мухтасар ало китоб Мунтаҳо ас-савол вал-амал фи илмай ал-усул вал-жадал» номли асарига ёзилган шарҳга шарҳ ҳисобланади. У 770/1368 йил Хоразмда ёзилган ва бир неча бор нашр этилган.

3. Шарҳ ал-Вароқот фи улул ал-фикҳ. Ушбу асар «Имом ал-Ҳарамайн» номи билан танилган шофий мазҳаби олими Зиёуддин Абулмаолий Абдулмалик ибн Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Муҳаммад ал-Жувайний ан-Насобурӣ (419–478/1028–1078)нинг асарига ёзилган шарҳ бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси сақланиб қолган бўлса-да, бугунги кунгача нашр этилмаган.

Фуруъ ал-фикҳ илмига оид:

1. Ал-Фатово ал-ҳанафия. Бу асарида аллома Саъдуддин Тафтазоний Ҳиротда қози бўлган пайтда ҳанафий мазҳаби бўйича чиқарган фатволарини жамлаган ва ўша ерда 759/1358 йили ёза бошлаган. Лекин, бу асар бугунги кунгача топилмаган.

2. Шарҳ Фароиз ас-сирожия. Бу асар Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуллаҳид Сажозандийнинг (ваф. тах. 600/1204 й.) «Фароиз ас-сирожия» асарига ёзилган шарҳ. «Фароиз ас-сирожия» асари 2010 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.

3. Ал-Мифтоҳ фи фуруъ ал-фикҳ. Бу асар шофий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига оид китоб бўлиб, у 782/1380 (ёки 791/1389 йили) йили Самарқандда ёзилган. Лекин, у бугунги кунгача топилмаган.

4. Мухтасар шарҳ Талхис ал-жомеъ ал-кабир. Ҳанафий мазҳаби мужтаҳид олимларидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Ҳанафий (ваф. 189/805 й.)нинг «ал-Жомеъ ал-кабир» номли асарига Камолуддин Муҳаммад ибн Ибод ибн Малик Довуд Халотий Ҳанафий (ваф. 652/1254 й.) мухтасар ёзган. Бу мухтасарга Абу-л-Исома Ма-

съуд ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Гиждувоний (ваф. 772/1371 й.) шарҳ битган. Аллома Саъдуддин Тафтазоний эса, мазкур шарҳга 785/1383 йили Самарқандда мухтасар ёзган. Лекин, у бугунги кунгача топилмаган.

5. Шарҳ фикҳ ал-Кайдоний. Мазкур асар Лутфуллоҳ Насафийнинг (ваф. 750/1349 й.) «Фикҳ ал-Кайдоний» асарига ёзилган шарҳ. У нашр этилган.

6. Китоб ал-Ихзор. Тафтазоний мазкур асарини Гиждувон вилоятида 753/1352 йили ёзган. Аммо, асар бугунги кунгача топилмаган.

7. Рисолат ал-икроҳ. Алломанинг бу китоби бировни мажбурлашга оид ҳадислардан иборат (Shaykh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf., 2014:26) ва у 778/1376 йилда ёзилган. Лекин, у бугунги кунгача топилмаган.

Ҳадис илмига оид:

1. Арбаун фи ал-ҳадис. Бу алломанинг мавзулаштирилган «қирқ» ҳадисга бағишланган асари бўлиб (Ismoil Bosh al-Bag'dodiy., 1951, 2:430), у бугунги кунгача топилмаган.

2. Шарҳ ал-аҳодис ал-арбаин ан-нававий. Ушбу асар бир неча бор нашр қилинган.

Тафсир илмига оид:

1. Талхис ал-Кашшоф. Бу асар Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Хоразмий Замахшарӣ (467–538/1074–1143)нинг «Кашшоф» асарига ёзилган ҳошия. Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарни 787/1385 йили Самарқандда ёзишни бошлаган, лекин охирига етказа олмаган. У «Фотиҳа» сурасидан «Фатҳ» сурасигача. Унинг қўлёзма нусхалари бугунги кунгача етиб келган.

2. Кашф ал-асрор ва уддат ал-аброр фи тафсир ал-Қуръон. Ушбу асар Қуръони каримга ёзилган форсча тафсир бўлиб, унинг қўлёзма нусхалари бугунги кунгача сақланиб қолган.

Тажвид илмига оид:

1. Рисолати тажвид. Ушбу асар форс тилида бўлиб, унинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинаси қўлёзмалар фондида №311 рақам остида сақланмоқда. Рисола ҳажми 4 варақ (5а8а) бўлиб, 1312/1894 йили настаълиқ хатида кўчирилган.

Ал-Мадоиҳ ан-набавия илмига оид:

Шарҳ ал-Кавакиб ад-дуррия фи мадҳ хойр ал-бариййа. Бу асар Имом Муҳаммад Саъид ал-Бусирий (ваф. 696/1297 й.)нинг «Қасидат ал-Бурда» номи билан машҳур асарига ёзилган шарҳ ҳисобланади. Алломанинг ушбу асари нашр этилмаган бўлса-да, унинг бир неча қўлёзма нусхалари бугунги кунгача сақланиб қолган. Жумладан, Принстон университети кутубхонаси фондида № 67 билан асарнинг бир қўлёзма нусхаси сақланади.

Араб тили грамматикасига оид:

1. Шарх ат-Тасриф ал-Иззий. Ушбу асар Абдуддин Абдулвахҳоб Иброҳим Занжонийнинг «ат-Тасриф» асарига ёзилган шарх бўлиб, аллома уни ўн олти ёшида 738 йил шаъбон ойининг 15 куни тунда/1338 йили 8 март ёзиб тугатган (Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda., 1975, 1:191). Бу асар «ас-Саъдия» номи билан танилган бўлиб, унга Имом Жалолуддин Суьутий (ваф. 911/1505 й.) «ат-Тасриф ало Шарх ат-Тасриф» номли, Шамсуддин Муҳаммад ибн Али Ҳалабий (ваф. 933/1527 й.) «ат-Татриф ало Шарх ат-Тасриф» номли ҳошиялар ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Тобловий (ваф. 1027/1618 й.) «ат-Толийй ас-саъдий» номли шарх ёзганлар. Асар Константинопол шаҳрида 1253/1837, Техрон шаҳрида 1280/1884 (мажмуа таркибида), Деҳли шаҳрида 1289/1872, 1295/1878, Қоҳира шаҳрида 1307/1889, 1997, Байрут шаҳрида 2011 йилларда нашр қилинган.

2. Иршод ал-Ҳодий. Бу асар Хоразмда 778/1376–1377 йили ёзиб тугатилган бўлиб (Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda., 1975, 1:192), у муқаддима ва уч қисмдан иборат (исм, феъл ва ҳарф). Унга алломанинг шогирди Фатхуллоҳ Шарвоний Ҳанафий, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Бистомий (ваф. 775/1373 й.) ва Муҳаммад ибн Али Журжоний (ваф. 838/1435 й.) каби олимлар шарх ёзганлар (Hoji Xalifa., 2001, 1:67-68). У бир неча бор нашр этилган.

3. Ат-Таркиб ал-жалил фи илм ан-наҳв. Бу асар эъробнинг барча қоидаларини ўзида жамлаган (Ismoil Posho al-Bag'dodiy., 1947, 1:283.). Унинг бир тошбосма нусхаси Принстон университетида сақланади. Лекин, унинг қаерда ва қачон нашр этилгани кўрсатилмаган (Sa'duddin Taftazoniy., Inv. № 32101064066978:67). Олимнинг ушбу асарига Муҳаммад ибн Маҳмуд ар-Румий Даббоғзода (ваф. 1114/1703 й.) томонидан «ат-Тартиб аж-жамил фи шарх Ат-Таркиб ал-жалил» номли шарх ёзилган.

4. Ал-Исбаҳ. Бу асар Носир ибн Абдуссайд Мутарризий (ваф. 610/1213 й.)нинг «ал-Мисбаҳ» номли асари муқаддимасига ёзилган шарх (Hoji Xalifa., 2001, 2:1709). Асарнинг қўлёзма нусхалари бугунги кунгача етиб келган.

5. Қованин ас-сарф (Ismoil Bosho al-Bag'dodiy., 1951, 2:430). Лекин, у бугунги кунгача топилмаган.

6. Ҳалл ал-мавоқид фи Шарх ал-қоваид ли Ибн Ҳишом ал-Ансорий (Umar Rizo Kahhola., 1993, 3:849.). Лекин, у бугунги кунгача топилмаган.

7. Шарх Ҳикмат ал-Ишроф (Umar Rizo Kahhola., 1993, 3:849.). Аммо, асар бугунги кунгача топилмаган.

Луғатшуносликка оид:

1. Ниям ас-савобиг фи шарх ал-калим ан-навобиғ. Бу асар Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Хоразмий Замахшарий (467–538/1074–1143) нинг «Китаб ал-калим ан-навобиғ» асари шарҳи бўлиб (Hoji Xalifa., 2001, 2:1978), у 755/1354 йили ёзилган ва 1772 йили Лейдин ҳамда 1286/1869 йили Қоҳира шаҳарларида нашр этилган.

2. Муслиҳуддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушрифуддин Саъдий Шерозий (ваф. 691/1292 й.) нинг «Бўстон» («Саъдийнома», 655/1257 йил Дамашқ) номли зарбулмасал жанрида ёзилган машҳур девонининг туркий тилдаги насрий таржимаси бўлиб, у 755/1354 йили ёзилган (Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf., 2014:26.). Лекин, у бугунги кунгача топилмаган.

Балоғат илмига оид:

1. Ал-Мутаввал. Бу асар Шайх Жалолуддин ибн Абдулрахмон Қазвиний Шофийининг (666-739/1268-1338) «Талхис ал-мифтоҳ фи ал-маоний ва ал-баён» асарининг шарҳи бўлиб, Саъдуддин Тафтазоний уни Журжония (Гурганч) шаҳрида 748/1347 йили ёзиб тугатган ва у «катта» шарҳдир. Шунингдек, ушбу китоб Константинополда Журжоний ҳошияси билан 1260/1844, 1265/1849 ва 1289/1872 йилларда ва Деҳли шаҳрида «ал-Муаввал» номли ҳошия билан бирга 1329/1911 йили нашр қилинган. Шунингдек, у Байрутда 2013 йили учинчи марта нашр этилган. Бу асар Муҳаммад ибн Муҳаммад (ваф. 1033/1624 й.) томонидан турк тилига таржима қилинган.

2. Мухтасар ал-маоний. Бу шарх «Талхис ал-мифтоҳ» асарига битилган иккинчи машҳур шарх бўлиб, у яна «Мухтасар шарх Талхис ал-мифтоҳ» номи билан ҳам маълум ҳамда у «кичик» шарҳдир. Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарини 755-756/1355-1356 йиллар орасида Ғиждувонда ёзиб тугатган. Аллома бу асарини Жонибекхонга совға қилган. Ушбу асар Калькутта шаҳрида 1228/1813 йили, Лакнав шаҳрида 1231–1312/1816–1894, Булоқ (Миср) шаҳрида 1318/1901 йили Хатиб Қазвинийнинг «Китоб ал-изоҳ фи улум ал-балоғат», «Маваҳиб ал-мифтах», «Уърус ал-ифроҳ», Дусукийнинг ушбу асарга ёзган ҳошияси билан бирга (Sa'duddin Taftazoniy., 1901:1-446) ва Карачи шаҳрида 2010 йилларда нашр қилинган.

3. Шарх мифтоҳ ал-улум. Ушбу асар аллома Сирожуддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Сақкокий (ваф. 626/1229 й.) қаламига мансуб «Мифтоҳ ал-улум» рисоласига ёзилган шарҳдир. Аллома Тафтазоний асарини 787/1385 йили Самарқандда ёзиб тугатган (Hoji Xalifa. 2001, 2:1763.). Бу асарга Алоуддин Али ибн Муҳаммад Кушчи (ваф. 878/1474 й.) форс тилида «Шарх Мифтоҳ ал-улу-

ми Тафтазоний» номли шарҳ ёзган (Hasanov F., 2011:196).

4. Шарҳ ал-қисм ас-солис мин ал-мифтоҳ. Бу рисола 787/1385 йили Самарқандда ёзиб тугатилган (Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda, 1975, 1:191).

Мантиқ илмига оид:

1. Шарҳ ар-рисола аш-шамсия. Бу асар Нажмуддин Али ибн Умар Қазвиний Котибий (ваф. 693/1294 й.)нинг мантиқ илмига оид рисоласига шарҳ бўлиб, Саъдуддин Тафтазоний уни Жом вилоятида 753/1352 йили ёзган (Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda, 1975, 1:190; Sharafuddin Roqimiy., 1998:22). У нашр этилган.

Арифметика ва геометрияга оид:

1. Шарҳ ар-рисола аш-шамсия фи ал-ҳисоб. Бу асар Низомиддин Найсобурий (ваф. 710/1310 й.)нинг «ар-Рисола аш-шамсия фи ал-ҳисоб» рисоласига Саъдуддин Тафтазоний томонидан ёзилган шарҳ. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаслари Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси фондида 179 инвентар рақами билан сақланади. Шунингдек, у Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 4697/30 ва 6425/VI инвентар рақамлари билан сақланмоқда. Асар нашр этилган.

2. Рисола фи завоё ал-мусаллас. Лекин, у бугунги кунгача топилмаган.

3. Тасовий аз-завоя. Асарнинг қўлёзма нусхалари бугунги кунгача етиб келган. Ушбу асарнинг 1196/1782 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси фондида 179/I инвентар рақами билан сақланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Саъдуддин Тафтазоний деярли барча фан соҳаларига оид қимматли асарлар ёзиб қолдирган ханафий-мотуридий олимидир. Жумладан, алломанинг «Шарҳ ақоид ан-насафия» ва «Ғояту таҳзиби-л-калом фи таҳрири-л-мантиқ ва-л-калом» мотуридия таълимоти бўйича муҳим манбалардан бири бўлиб, бугунги кунгача даслабкисига юздан ортик ва иккинчисига эса, саксонга яқин шарҳ, ҳошия ва таълиқлар битилган. Шунингдек, унинг «Шарҳ ақоид ан-насафия», «Ғояту таҳзиби-л-калом фи таҳрири-л-мантиқ ва-л-калом», «Шарҳ ар-рисола аш-шамсия» ва «Ал-Мутававал» каби асарлари Мовароуннаҳрдаги ва Усмонли турк империяси ҳудудидаги мадрасаларда XX асрнинг биринчи чорагигача ҳамда бугун дунёга машҳур Девбанд каби халқаро таълим даргоҳларида эса, бугунги кунгача асосий дарслик, қўлланма сифатида фойдаланилган ва фойдаланиб келинмоқда. Қолаверса, уларнинг бир нечаси инглиз, турк, урду каби итлларга ҳам таржима қилин-

ган. Шунга қўра, Саъдуддин Тафтазоний ёзма меросини илмий жиҳатдан ўрганиш ва ўзбек тилига изоҳли таржима қилиш фойдадан холи бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abu Bakr ibn Ahmad ibn Muhammad ibn Amr ibn Qoziy. Tabaqot ash-shofiyy.
2. Abu Hafs an-Nasafiy. Tahsil usul al-fiqh / Tarjimon va nashrga tayyorlovchilar: t.f.n. H.Aminov, t.f.n. S.Muhammadaminov. – T.: «Noshir», 2015.
3. Abu Muhammad Ahmad ibn Muhammad. Ajoib al-maqdur fi axbor Timur. – Bayrut: Muassasat ar-risala, 1986.
4. Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda. Ash-Shaqoiq an-nu'moniya. – Bayrut: Dor al-kitab al-arabiy, 1975.
5. Abulxayr Isomuddin Ahmad ibn Mustofa ibn Jalil Toshko'prizoda. Miftah as-Saoda. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1975.
6. Azududdin Abdurrahmon al-Ijiiy. Sharh Muxtasar al-muntahiy al-usuliy. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 2004.
7. Fasix Axmad ibn Djalal ad-Din Muxammad al-Xavafi. Mudjmal-i Fasixi. / D.Yusupova. – T.: Fan, 1980.
8. Fayziyev T. Temuriylar shajarasi. – T.: Yozuvchi, 1995.
9. Hoji Xalifa. Kashf az-zunun. – Bayrut: Dor Ihya at-turo al-arabiy, 2001.
10. Ismoil Bosh al-Bag'dodiy. Hadiyat al-orifin. – Istanbul: Milliy eg'itim basimevi, 1951.
11. Ismoil Posho al-Bag'dodiy. Izoh al-maknun. – Bayrut: Dor ihyo at-turo al-arabiy, 1947.
12. Jaloluddin Abdurrahmon as-Suyutiy. Bug'yat al-vuot fiy tabaqot al-lug'aviyyin va-n-nuhot. – Bayrut: Dor al-fikr, 1979.
13. Jamoluddin Abu al-Mahosin Yusuf ibn Tug'ro Burda. Ad-Dalil ash-shofiyy ala al-Manhal as-sofiy. – Qohira: Maktabat al-Xoniji, 1955.
14. Jamoluddin Abu al-Mahosin Yusuf ibn Tug'ro Burda. Al-Manhal as-sofiy. – Qohira: Dor al-kutub al-vasoiq al-qoamiya, 2005.
15. M.T.Houtsma. Mujaz Doirat al-ma'orif al-islomiya. – ash-Shariqo: Markaz ash-Shariqot li al-ib dai al-fikriy, 1998.
16. Ma'naviyat yulduzlari / muharrir F.Hasanov. – T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2011.
17. Muhammad Adulhay Hindiy Laknaviy. Al-Favoid al-bahiya fi tarojim al-hanafiya. – Bayrut: Dor al-Arqam ibn Abi al-Arqam, 1998.
18. Muhammad ibn Abdurrahmon ibn al-G'azziy. Divon al-Islom. – Bayrut: Dor al-Kutub al-ilmiya, 1990.
19. Muhammad ibn Ali ash-Shavkoniy. Al-Badr at-toliy. – Qohira: Dor al-kitab al-islomiy, 1997.
20. Muhammad ibn Mahmud ibn Abdurrashid Sajozandiy. Farozus sirojiya. – T.: Toshkent islom universiteti, 2010. – 144 b.
21. Mulla Nuruddin Abu-l-Hasan Ali ibn Sulton Muhammad al-Qoriy al-Haraviy al-Makkiy. Mirqot al-mafotih. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1998.

22. Mulla Salohiddin ibn Mullo Aloiddin xoji eshon Salohiddin Toshkandiy. Temurnoma / Nashrga tayorlovchi, so'zboshi va lug'at muallifi f.f.n. P.Ravshanov. – T.: Cho'lpon, 1991.
23. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. –T.: «O'zbekiston» nashriyoti, 1996.
24. Sa'duddin Taftazoniy. Al-Mutovval. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 2013.
25. Sa'duddin Taftazoniy. Al-Mutovval. – Bhupal: al-Matbaa ash-Shohjohoni, 1311. – B. 446.
26. Sa'duddin Taftazoniy. Al-Muxtasar. – Buloq: al-Matbaa al-kubro al-amiriya, 1318/1901. – 446 b.
27. Sa'duddin Taftazoniy. At-Tarkib al-jalil fi ilm an-nahv. – Toshbosma. Princeton kutubxonasi fondi. Inv. № 32101064066978. – 67 b.
28. Sa'duddin Taftazoniy. Hashiya alo Sharh muxtasar al-Mutahiy al-usuliy. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 2004.
29. Sa'duddin Taftazoniy. Sharh al-ahodis al-arbain an-navaviy. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 2004.
30. Sa'duddin Taftazoniy. Tahzib al-mantiq val-kalom. – Misr: Matbaa as-Sa'ada, 1912.
31. Shamsuddin Muhammad ibn Abdurrahmon as-Saxoviy. Vajiz al-kalom. – Barut: Muassasat ar-risola, 1995.
32. Shamsuddin Muhammad ibn Abdurrohman as-Saxoviy. Az-Zavu al-Lomiy. – Bayrut: Dor al-Jayl, 1992.
33. Sharafuddin Roqimiy. Tarixi tomm. – T.: Ma'naviyat, 1998.
34. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Fiqhiy yo'nalishlar va kitoblar. – T.: Sharq, 2011.
35. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Samarqandning sara ulamolari. – T.: Hilol-Nashr, 2014.
36. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Tasavvuf haqida tasavvur.
37. Shihabuddin Abulfallah Abdulhay ibn Ahmad ibn Muhammad ad-Damashqiy. Shazarot az-Zahab fi axbor man zahab. – Bayrut: Dor ibn Kasir, 1986.
38. Shihobiddin Abu Abdulloh Yoqut ibn Abdulloh Hamaviy. Mo'jam al-buldon. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1990.
39. Shihobuddin Ahmad ibn Ali ibn Muhammad al-Asqaloni. Ad-Durar al-Komina. – Bayrut: Dor al-Jiyl, 1993.
40. Shihobuddin Ahmad ibn Ali ibn Muhammad al-Asqaloni. Ibna al-g'umr bi abna al-umr. – Qohira: Dor at-Taovun, 1969.
41. Shihobuddin Muhammad ibn Ahmad ibn Usmon az-Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo. – Bayrut: Muassasat ar-risola, 1996.
42. Taqiyuddin ibn Abdulqodir at-Tamimiy ad-Doriy al-G'azziy al-Misriy al-Hanafi. At-Tabaqot as-saniya fi tarojim al-hafiya. – ar-Riyod: Dor ar-Rifoiy, 1989.
43. Taqiyuddin Ahmad ibn Ali al-Maqriziy. Durar al-Uqud al-farida. – Bayrut: Dor al-G'arb al-islomiy, 2002.
44. Umar Rizo Kahhola. Mo'jam al-muallifin. – Bayrut: Muassasat al-risola, 1993.
45. Xayruddin Zirikliy. Al-A'lom. – Bayrut: Dor al-ilm li-l-maloyin, 1998.
46. Zaynuddin Abdulbasit ibn Xalil ibn Shohin az-Zohiriy al-Hanafi. Nayl al-amal fi Zayl ad-duval. – Bayrut: al-Maktabat al-asriya, 2002.